

**“Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ
таркибий бўлинмаларига алоқа каналлари орқали
коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул
қилиш ва кўриб чиқиш
РЕГЛАМЕНТИ**

I. Умумий коидалар

1. Мазкур Регламент “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда –Банк) таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тегишли чораларини кўришга қаратилган тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Регламент Банқдаги алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳаракатлар ҳақида келиб тушган хабарлар билан ишлашнинг асосий тамойиллари, шунингдек, хабарларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш ҳамда Банк раҳбариятига ҳисобот тақдим этиш тартибини белгилайди.

3. Мазкур Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
ишонч телефони – Банкга телефон орқали келиб тушадиган мурожаатларни марказлашган ҳолда қабул қилиш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек, ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини мониторинг қилиш имконини берувчи тизим;

мурожаатчи – алоқа каналлари орқали Банқдаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун мурожаат килган ҳар қандай жисмоний ва (ёки) юридик шахс; Банк ходими;

манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, Банкнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳукуклари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қофоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий хукуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноконуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноконуний фойдаланиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

коррупцияга қарши қурашиш тизими – амалдаги қонунчилик ва ички хужжатларни коррупциявий жиҳатдан бузилишини бартараф этиш, Банк ходимлари томонидан юқори даражада касбий ва ахлоқий фаолият олиб боришиларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

коррупциявий ҳавф-хатар – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Банк номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий ҳаракатларни содир этиш ҳавфи;

таалуқли хабар – Банқдаги коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳакидаги ахборотдан иборат бўлган хабар;

ходим – Банк билан меҳнат муносабатларига киришган шахс;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида ўзи ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий бойликлар, бошқа мол-мулк ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорий ёки нотижорий манфаатлари).

4. Банк коррупциявий ҳаракатлар ҳакида ахборот беришга мўлжалланган алоқа каналларининг ишини қуйидаги принциплар асосида ташкил этади:

конфеденциаллик ва ҳавфсизлик – алоқа каналларидағи хабарлардан фойдаланишга рухсат берилган Банкнинг барча ваколатли шахслари ушбу хабарларни ваколатга эга бўлмаган шахсларга бериш (ошкор қилиш) га ҳакқи йўқ. Агар мурожаатчи ўз хабарини юборганлиги ҳакида бошқа ходимларга ёки учинчи шахсларга ўз хоҳишига кўра, жумладан, эҳтиётсизлиги натижасида ошкор қилган бўлса, Банк унинг ошкор бўлишига жавобгар бўлмайди;

қонунийлик – Банк алоқа каналларига келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиш қатъий равишида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва ушбу Регламентга мувофиқ амалга оширилади;

мурожаатчининг таъқиб қилинмаслиги – алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳаракатлар ҳакида ўз хоҳишига кўра хабар берган жисмоний ва юридик шахс, шу жумладан Банк ходимлари, хабарнинг мазмунидан қатъи назар таъқиб қилинмайди;

мурожаатчи билан мажбурий тартибдаги қайта алоқа – агар хабар аноним бўлмаса, уни кўриб чиқиш натижалари Банк томонидан мурожаатчига етказилиши лозим;

таъсир чораларини қўллашнинг мажбурийлиги – коррупция факти тасдиқланган тақдирда, Банк айбор шахсларни жавобгарликка тортиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳаракат қиласи.

II. Коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақида ахборот бериш учун алоқа каналлари

5. Коррупцияга оид ҳаракатлар тұғрисидаги хабар күйидаги алоқа каналларидан юборилиши мүмкін:

- ❖ Үзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси (<https://pm.gov.uz/>) орқали;
- ❖ Банкнинг расмий веб-сайти ёки электрон почтаси орқали;
- ❖ Банкнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари орқали;
- ❖ Банкнинг телефон рақамлари орқали (ишонч ва бошқа иш телефон рақамлари орқали);
- ❖ Банкнинг телеграмм-боти орқали;
- ❖ Банкга оғзаки (шахсан) мурожаат қилиш;
- ❖ ҳуқуқни маҳофаза қилувчи органлар орқали;
- ❖ мазкур Регламентда кўрсатилмаган бошқа алоқа каналлари.

6. Банк алоқа каналлари тұғрисидаги ахборотни расмий веб-сайт, ижтимоий тармоқдаги саҳифа ва каналларига жойлаштиради, шунингдек, ходимларга даврий равишида юбориладиган электрон хатлар тарқатмаларига ва ўқув материалларига киритади, Банк биносида жойлаштириладиган тематик плакатлар ва ҳоказоларда акс эттиради.

III. Алоқа каналлари орқали келиб тушаётган коррупцияга оид ҳаракатлар тұғрисидаги хабарларни қабул қилиш

7. Банкнинг Ахборот ва банк хавфсизлиги департаментининг Комплаенс назорат ва коррупцияга карши қурашиш бошқармаси (кейинги ўринларда – Башқарма) алоқа каналларидан келиб тушган коррупцияга оид ҳаракатлар тұғрисидаги хабарларни кўриб чиқишига масъул ҳисобланади.

8. Банкга турли алоқа каналларидан келиб тушган коррупцияга оид ҳаракатлар тұғрисидаги хабарлар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланған “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат интироқидаги ташкилоттарда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тұғрисидаги” намунавий Низом ва Банкнинг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тұғрисида”ги Низом талабларида назарда тутилған тартибда рўйхатта олинади ва қарор қабул қилиш учун Банк раҳбарига чиқарилади.

9. Банкнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари ва телеграмм-боти орқали келиб тушадиган мурожаат ва хабарларни қабул қилиш учун Башқарма масъул ходими тайинланади.

Бунда, коррупцияга оид ҳаракатлар тұғрисидаги хабар келиб тушганда Башқарма масъул ходими мурожаатчи билан электрон ёзишма йўли билан ёки телефон орқали боғланиб зарур ахборотни аниклаштиради, хабарни “Банқда коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақида хабарларни қабул қилиш Реестри” (кейинги ўринларда – Реестр) да рўйхаттага олади ва маълумотни Ахборот ва банк хавфсизлиги департаменти (кейинги ўринларда – Департамент) директори орқали Банк раҳбарига киритади.

Бошқарма масъул ходими келиб тушадиган хабарларни душанбадан жумагача соат 09:00 дан 18:00 га қадар таҳлил қиласи. Агар хабар иш вақтидан ташқари пайтда келиб тушса, бу хабар навбатдаги иш кунида аниқлаштириш учун сақланади.

10. Агар мурожаатчи ўз хабарини тасдиқлаш учун қўшимча материалларга, масалан, фотоматериаллар, хужжатлар, аудио ва видео ёзувларга эга бўлса, мурожаатни қабул қилишга масъул ходим уларни тақдим этиш бўйича фойдаланиладиган алоқа каналларини (телеграмм-боти ёки электрон почтаси)ни кўрсатади ва тақдим этиладиган маълумотни конфеденциаллигини билдиради. Мазкур маълумотлар таалукли хабарга илова сифатида расмийлаштирилади.

11. Банк раҳбари таалукли хабарни тезкорлик билан таҳлил қилиш ва кўриб чиқиш учун Департаментга топшириқ туширади.

12. Департамент Бошқармаси коррупцияга оид ҳаракатлар тўғрисидаги хабарни олгандан кейин 1 (бир) соат ичida уни иловага мувофиқ шаклда Реестрда рўйхатга олиши ва ушбу Регламентнинг 4-бобига мувофиқ кўриб чиқади.

13. Банк ходимлари томонидан олинган хабарларни кўриб чиқиш жараёнида коррупциявий хукуқбузарликларни содир этишининг сабаб ва шароитлари ҳам таҳлил қилинади ва келгусида уларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши қурашиб тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилади.

14. Олинган хабарлар бўйича барча таалукли материаллар, хужжатлар ва маълумотлар (шу жумладан, қабул қилинган қарорлар ва мурожаатчиларга юборилган жавоблар) Мурожаатлар билан ишлаш тузилмасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган муддатда, шу билан бирга 10 йилдан кам бўлмаган муддатда, сақланиши керак.

15. Коррупцияга оид ҳаракатлар тўғрисидаги хабар Банкнинг худудий бўлинмаларга келиб тушган тақдирда, уни қабул қилган масъул ходимлар зудлик билан ёзма шаклда худудий бўлинма раҳбари ва Хавфсизлик, режим ва ахборотни муҳофаза қилиш бўлимлари Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши қурашиб бўйича Бош мутахассисини келиб тушган хабар тўғрисида хабардор қиласи, улар ўз навбатида ушбу хабарни Банкнинг Департаментига юборади. Бошқарма олинган хабарни мазкур Регламентнинг 12-банди кўрсатилган тартибда иш олиб боради.

16. Банкнинг худудий бўлинмалари ўзларининг Реестрини юритади.

IV. Коррупциявий ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни кўриб чиқиши

17. Бошкармага келиб тушган барча коррупцияга оид ҳаракатлар тўғрисидаги хабарлар масъул ходимлар томонидан кўриб чиқилади. Алоҳида ҳолатларда Банкнинг Коррупцияни олдини олиш бўйича комиссияси Раиси топшириғига асосан мурожаатлар ўрнатилган тартибда бошқа департамент ёки бўлинмалар томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

18. Банк ходимларининг коррупциявий ҳаракатлари тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқиш жараёнига, ҳаракатлари устидан таалукли хабар келиб тушган ёки кўриб чиқиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ходимларни жалб қилиш ман этилади.

19. Коррупцияга оид ҳаракатлар тўғрисидаги хабар келиб тушганда Бошқарма ходими дастлабки текшириш ўтказиб, унинг таалуклилигини таҳлил қиласи, яъни хабарда кўрсатилган маълумотнинг Банк тизимига таалукли коррупцияга оид хукуқбузарликка ва (ёки) манфаатлар тўқнашувига тегишшлигини текширади.

Дастлабки текшириш таалуқли хабар Башкармaga келиб түшган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида амалға оширилади.

20. Мазкур Регламентнинг 19-бандида назарда тутилган дастлабки текшириш натижаларидан қатын назар, бу ҳақдаги ахборот Реестрга киритилади.

21. Агар Башкарма ходими хабар коррупцион ҳолатларга таалуқли эмас деган хulosага келса, бу хабар бир иш куни ичида Банкнинг тегишли тузилмасига билдириги асосида ўтказилиши лозим.

22. Агар хабарда коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар түқнашуви ҳақида маълумот хамда хизмат текширувини ўтказиш учун етарли асослар мавжуд бўлса. Башкарма ходими ички идоравий хужожатда белгиланган тартибда хизмат текширувини ўтказиш ташаббуси билан чиқади.

23. Коррупцияга оид ҳаракатлар тўғрисидаги хабарларни мазмунан кўриб чиқиши Банкга келиб түшган кундан эътиборан бир ой ичида, текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиши муддатлари, Банкнинг раҳбари томонидан истисно тарикасида узоги билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига (аноним мурожаатлардан ташқари) хабар қилинади.

24. Мурожаатга жавоб Башкарма томонидан тайёрланиб, Банк раҳбари ёки унинг масъул ўринbosари имзоси билан расмийлаштирилади.

25. Коррупция ҳолатларига таалуқли хабарларни кўриб чиқиши якунларига кўра ўрганиш натижалари ва қўлланилган таъсир чоралари кўрсатилган жавоб хати тайёрланади ва белгиланган тартибда мурожаатчига юборилади.

26. Ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар орқали келиб түшган коррупцияга оид ҳаракатлар тўғрисидаги хабарга жавоб мурожаатчига электрон шаклида ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар орқали юборилади.

V. Ҳисобдорлик

27. Банкда “Коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиши Реестри”дан Башкарма ходимлари, хабарларни кўриб чиқишида иштирок этган Банкнинг тегишли тузилмалари ходимлари, Банк раҳбари ёки раҳбарнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишини назорат қилувчи ўринbosари фойдаланиши мумкин.

28. Реестр маълумотлари асосида Башкарма хар чоракда Банк раҳбариға қабул қилинган коррупциявий ҳаракатлар тўғрисидаги хабарларга таалуқли бўлган хисоботни тақдим этади ва унда куйидагилар кўрсатилади:

- ❖ келиб түшган таалуқли хабарлар ва кўриб чиқилган таалуқли хабарлар сони;
- ❖ коррупциявий ҳаракатлар, манфаатлар түқнашуви ҳолатлари тасдиқланган таалуқли хабарлар сони;
- ❖ кўриб чиқиши муддатлари бузилган таалуқли хабарлар сони;
- ❖ таалуқли хабарларни кўриб чиқишининг ўргача муддати;
- ❖ мурожаатчилар томонидан энг кўп фойдаланиладиган алоқа каналлари ва бошқа статистик маълумотлар.

VI. Яқуний қоидалар

29. Мазкур Регламент талабларини бузиш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

30. Мазкур Регламент, мурожаатлар ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда қайта кўриб чиқилиши лозим.

31. Регламент Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган санадан кучга киради.

“Узбекистон Республикаси ташки иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ таркибий бўлинмаларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-харакатлар тўгрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиши Регламентига илова

Банкда коррупцияга оид харакатлар ҳақидағи хабарларни қабул қилиш РЕЕСТРИ